

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ,
ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ЭРБОЕВ ШАВКАТ ОЧИЛТОШЕВИЧ

**ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИНАЁТГАН
ТЕМИРБЕТОН КЎПРИКЛАР ЮК КЎТАРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ
ТЕХНИК ДИАГНОСТИКА АСОСИДА АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.02 - Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт
тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Эрбоев Шавкат Очилтошевич

Темир йўлларда эксплуатация қилинаётган темирбетон кўприклар
юк кўтариш қобилиятини техник диагностика асосида аниқлаш
усулларини такомиллаштириш..... 5

Эрбоев Шавкат Очилтошевич

Совершенствование методики определения грузоподъемности
эксплуатируемых железобетонных железнодорожных мостов на
основе технической диагностики..... 25

Erboyev Shavkat Ochiltoshevich

Improvement of methods determination of load capacity of reinforced
concrete railway bridges by technical diagnostics..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ,
ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ЭРБОЕВ ШАВКАТ ОЧИЛТОШЕВИЧ

**ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИНАЁТГАН
ТЕМИРБЕТОН КЎПРИКЛАР ЮК КЎТАРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ
ТЕХНИК ДИАГНОСТИКА АСОСИДА АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.02 - Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт
тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2020.2.PhD/T827 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент автомобиль йўллариини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tayi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ишанходжаев Абдурахмон Асимович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хасанов Аскар Забиевич
техника фанлари доктори, профессор

Байбулатов Хайрулла Абсадиқович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўллариини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019.T.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 20-уй. Тел/факс.: (99871) 232-14-39, (e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўллариини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 20-уй. Тел.: +99871 232-14-39.

Диссертация автореферати «_____» _____ 2020 йил тарқатилди.

(«_____» _____ 2020 йил № _____-сонли тарқатиш баённомаси реестри).

А.А.Рискулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.А.Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, PhD

И.С.Содиқов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда магистрал йўл тармоқларининг кенгайиши, йўловчилар ва юклар ташиш ҳажмларининг ортиши ҳисобига катта шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантиришда турли хилдаги транспорт иншоотлари, жумладан кўприклар қурилиши ва эксплуатацияси алоҳида аҳамиятга эга. Темирбетон кўприк конструкциялари бузилишининг асосий сабаби – эксплуатация жараёнларининг тўғри амалга оширилмаётганлигидир. Шу сабабли темирбетон конструкцияларнинг хизмат муддатларини аниқлашда хорижий мамлакатларда техник диагностика соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Охирги йилларда республикамиз темир йўл тизимларида кўприк иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнларини сифат жиҳатидан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда республикамиз темир йўлларида эксплуатация қилинаётган кўприкларнинг эксплуатация қилиш жараёнлари ишончилигини ошириш ва мустаҳкамликка ҳисоблаш бўйича бир қатор вазифалар бажарилган. Шулар билан бир қаторда бугунги кунда темир йўл тизимларида кўприклар хизмат муддатларини ошириш учун уларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш,...»¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, кўприкларнинг қурилиш ҳажми ортгани билан, охирги йилларда Республикада эксплуатация қилинаётган темирбетон оралик қурилмалари ва таянчлари юк кўтариш қобилияти етарли бўлмаган кўприклар ҳолатининг ёмонлашиши жадал равишда ўсиб бормоқда. Юк айланмасининг ўсиши, ўқдан тушаётган юкларнинг ортиши, замонавий электровозлар, саккиз ўқли вагонлардан тушаётган юкларнинг кўпайиб бориши кўприкларнинг ишончилигини таъминлаш бўйича илмий - тадқиқот ишларини амалда кенг миқёсда олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунинг учун темир йўлларида фойдаланишдаги темирбетон кўприклар юк кўтариш қобилиятини ва техник ҳолатини диагностика вақтида аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар долзарб вазифадир.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти №ПФ - 2815 2 март 2001 й “Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, №ПФ - 4720 24 апрель 2015 й “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, №ПФ - 4947 7 феврал 2017 й. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, №ПФ - 5066 1 июн 2017 й. “Фавқулодда вазиятларнинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №242 24 август 2011 й. «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардаги, ҳамда мазкур соҳага оид масалаларни ечишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон темир йўл саноати миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг таянч соҳаларидан бири бўлиб, бунда темир йўл саноатини ривожлантиришнинг устувор вазифаси темир йўллар ва улардаги иншоотларнинг техник ҳолати билан баҳолаш ҳисобланади.

Эксплуатация қилинаётган темирбетон кўприклар юк кўтариш қобилиятини техник диагностика асосида аниқлаш бўйича шуғулланувчи дунё ва юртимизнинг йирик тадқиқотчилари, жумладан, М. Е. Kreger, F.M. Bachman, J.E. Ereen, M.J. Smith, D. A. Goodyear, До Минь Хиус, А.П. Яриз, В. М. Бондаренко, А.В.Носарёв, В.О. Осипов, Л.И. Иосилевский, В.П. Чирков, Р.К. Мамажанов, Ю.В. Зайцев, Н.А. Красин, Р. З. Низамутдинова ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Уларда кўприкларни юк кўтариш қобилиятини асосий тўсиннинг салқилиги, қолдиқ ресурс бўйича арматура коррозияси ва бетон мустаҳкамлигини ҳисоблаш бўйича масалалар ўрганилган. Аммо, темир йўлларда эксплуатация қилинаётган темирбетон кўприклар юк кўтариш қобилиятини сейсмик кучларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш усули етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Йўл хўжалиги бошқармаси”нинг 2009 йил 29 августдаги № ПИ - 18/14 - сон фармойиши ва “Жиззахавтойўл” худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти билан тузилган №03.05 – 2010 – сонли Инновацион корпоратив ҳамкорлик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади темир йўлларда эксплуатация қилинаётган темирбетон кўприклар юк кўтариш қобилиятини техник диагностика асосида аниқлаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд техник диагностика усулини такомиллаштириш асосида темир йўл кўприклари оралиқ қурилма ва таянчларининг эксплуатацияга яроқлилигини аниқлаш;

амалда фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатлардаги кўприк оралиқ қурилма ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

конструкцияларга тушаётган юклар миқдорини аниқлашда фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатларда ҳисобга олинмаётган сейсмик кучларни оралиқ қурилма ва таянчларга таъсирларини инобатга олиш;

эксплуатация қилинаётган темир йўл кўприклари техник ҳолати мониторингини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида темир йўлларда эксплуатация қилинаётган кўприкларнинг темирбетон оралиқ қурилма ва таянчлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети темир йўлларда эксплуатация қилинаётган кўприклар темирбетон оралиқ қурилма ва таянчларининг ҳолатини техник диагностика қилиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган тизимини ташкил этиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кўприк юк кўтариш қобилиятини баҳолашнинг мавжуд меъёрий ҳужжатлардаги усуллари, эксплуатация қилинаётган кўприклар темирбетон оралиқ қурилма ва таянчларининг ҳолатини техник диагностикаси натижаларини таҳлил қилишда математик статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат;

техник кўрик натижалари бўйича темир йўл кўприклари оралиқ қурилма ва таянчларининг эксплуатацияга яроқлилигини, улардаги нуқсонлар тавсифларини балли баҳолаш усулини такомиллаштириш асосида аниқлаш таклиф этилган;

кўприк оралиқ қурилма ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятларига таъсир қилувчи бетон ва арматура коррозия даражасини ҳисобга олган ҳолда ифодалар таклиф қилинган;

техник диагностика натижалари бўйича кўприк оралиқ қурилма ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятини сейсмик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш усули яратилган;

эксплуатация қилинаётган темир йўл кўприклари техник ҳолати мониторинги такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

техник кўрик натижалари бўйича темир йўл кўприклари оралиқ қурилма ва таянчларининг эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлаш усули амалдаги меъёрий ҳужжат кўрсатмаларини мукамаллаштириш имконини яратди;

таклиф қилинган ифодалар кўприк оралиқ қурилма ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятини муҳандислик ҳисобларида юқори ишончлилиқ билан аниқлаш имкониятини яратди;

кўприк оралиқ қурилма ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятини сейсмик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда синфини аниқлаш ҳозирги кундаги эксплуатация қилинаётган иншоотларни ишончли эксплуатация қилиш муаммоларидан бирини ҳал қилиш имкониятини берди;

эксплуатация қилинаётган темир йўл кўприклари техник ҳолати мониторинги такомиллаштирилди ва натижада темир йўллардаги иншоотлар маълумот баъзаси шакллантирилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган

ҳолда ўтказилганлиги, назарий тадқиқотларни математик статистика қоидалари асосида амалга оширилганлиги, эксплуатация қилинаётган кўприклар темирбетон оралиқ қурилма ва таянчлари ҳолатини техник диагностика қилиш, эксплуатация қилинаётган оралиқ қурилма ва таянчларни тажриба - синов маълумотлари асосида таққослаш, шунингдек, турли илмий - амалий конференцияларда муаммонинг кенг муҳокамаси билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари темир йўллардаги кўприк темирбетон оралиқ қурилма ва таянчлари хизмат муддатларини аниқлашда ва темир йўл транспорт воситаларини хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашдаги профилактик – таъмирлаш тадбирларни режалаштиришда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эксплуатация қилинаётган кўприк темирбетон оралиқ қурилмалари ва таянчлари элементларида нуқсонлар пайдо бўлиш жараёнини ифодаловчи математик усулини, шунингдек, оралиқ қурилмалар ва таянчлар бетон ва арматуралари коррозиясини эътиборга олган ҳолда ҳисоблаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таъмирлаш муддатларини тўғри режалаштириш, транспорт воситаларининг кўприкда узлуксиз ва хавфсиз ҳаракатланишини, ҳамда конструкциянинг эксплуатацион ишончилигини оширишни таъминловчи, техник диагностика натижаларини ҳисобга олган ҳолда, кўприкларни профилактик – таъмирлаш тадбирларини башорат қилишнинг қулай усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Эксплуатация қилинаётган темирбетон кўприклар юк кўтариш қобилиятини техник диагностика асосида аниқлаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

техник кўрик натижалари бўйича темир йўл кўприклари оралиқ қурилма ва таянчларининг эксплуатацияга яроқлилигини аниқлашнинг техник диагностика усули такомиллаштирилган, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ “Йўл хўжалиги бошқармаси” №ПИ-18/14 фармойиши асосида Тошкент – Янгиер ва Джизак – Самарқанд оралиғидаги сунъий иншоотларни техник диагностика қилиш ва инструментал тадқиқот олиб боришда амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг 2019 йил 24 майдаги Н/3262 - 19 сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида, темир йўл кўприклари конструкцияларининг техник ҳолатини балли баҳолаш мезони такомиллаштирилди. Бу мезон асосида оралиқ қурилма ва таянчларнинг ҳолатини олдиндан баҳолаш имкони яратилган;

кўприк оралиқ қурилма ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятларини аниқлаш ифодаси такомиллаштирилган, Тошкент шаҳар «UZRO'PRIKLOYINA» маъсулияти чекланган жамиятини «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ “Йўл хўжалиги бошқармаси” билан тузилган шартномаси асосида («UZRO'PRIKLOYINA» маълумотномаси №15) Тошкент – Самарқанд темир йўл линияси 3641+028 км даги кўприкда амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг 2019 йил 24 майдаги Н/3262 - 19сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида, такомиллаштирилган

хисоблаш формуласи кўприк оралиқ қурилма ва таянчларининг қолдиқ юк кўтариш қобилиятини аниқлаш имконини берган;

техник диагностика натижалари бўйича кўприк оралиқ қурилма ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятини сейсмик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш усули, Тошкент шаҳар «UZRO'PRIKLOYINA» маъсулияти чекланган жамиятини «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ “Йўл хўжалиги бошқармаси” билан тузилган шартномаси асосида («UZRO'PRIKLOYINA» маълумотномаси №15) Тошкент – Самарқанд темир йўл линияси 3648+602 км даги кўприкда амалиётга жорий этилган ва мутахасислар томонидан тайёрланаётган “Темир йўллардаги темирбетон кўприклар оралиқ қурилмаларини юк кўтариш қобилиятини аниқлаш” бўйича кўрсатмага қабул қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг 2019 йил 24 майдаги Н/3262 - 19 сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида, кўприк оралиқ қурилма ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятини сейсмик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш имкони яратилган;

эксплуатация қилинаётган темир йўл кўприклар техник ҳолати мониторинги бўйича компьютер дастури такомиллаштирилган, Тошкент шаҳар «UZRO'PRIKLOYINA» маъсулияти чекланган жамияти маълумотномаси №15 Тошкент – Самарқанд темир йўл линияси 3738+025 км даги кўприкда амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг 2019 йил 24 майдаги Н/3262 - 19 сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида, такомиллаштирилган компьютер дастури маълумотлар баъзаси бўйича кўприклар техник ҳолатини тизимли равишда мониторинг қилиш имконияти яратилган;

Жиззах – Булунғур йўналиши оралиғидаги тўртта кўприкда, таклиф қилинган кўрсатмалар асосида капитал реконструкция ишлари режалаштирилганда, иқтисодий самарадорлик 475 млн. сўм бўлиши аниқ мисолда кўрсатилди, «UZRO'PRIKLOYINA» маълумотномаси №15, Тошкент – Самарқанд темир йўл линияси 3720+269 км даги кўприкда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда, республика илмий - техник журналларида 7 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 95 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон республикаси темир йўлларида эксплуатация қилинаётган кўприклар темирбетон оралик қурилмалари ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятини аниқлашнинг ҳозирги замон ҳолати**» деб номланган биринчи бобда Ўзбекистон республикаси темир йўлларида фойдаланишдаги кўприклар темирбетон оралик қурилмалари ва таянчлари юк кўтариш қобилиятини олдиндан аниқлашнинг ҳозирги замон аҳволи ўрганилиши ва замонавий ҳолатдаги илмий муаммоларнинг аналитик шарҳлари келтирилган.

Ҳозирда чет эл илмий - тадқиқот ишларида темир йўлларда фойдаланишдаги темирбетон кўприкларнинг юк кўтариш қобилиятини техник диагностика муаммолари кенг миқёсда ўрганилмокда ва уларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш бўйича меъёрий ҳужжатларни яратиш йўлга қўйилган (Япония, АҚШ, Хитой, Россия ва бошқалар). Булар бир томондан шаҳар ҳудудларининг жадал ривожланиши ва ҳаётни таъминловчи тизимлар тармоғини кенгайтириши бўлса, иккинчи томондан темир йўлларда фойдаланишдаги темирбетон кўприкларнинг юк кўтариш қобилиятини техник диагностика натижасида кўприк конструкцияларининг таҳлили билан асосланади.

1-жадвалда МДХ давлатларининг турли ҳудудларида фойдаланишдаги хизмат муддати 30 йилдан 60 йилгача бўлган 10 мингдан ортиқ темирбетон оралик қурилмалар хизмат муддатларининг таҳлилий натижалари келтирилган

1-жадвал

Эксплуатация қилинаётган оралик қурилмалар хизмат муддатларининг таҳлилий натижалари

Хизмат муддати, <i>йил</i>	Текширилган оралик қурилмалар <i>сон</i>	Алмаштирилган оралик қурилмалар <i>сон</i>	Алмаштирилган оралик қурилмалар <i>фоизда</i> %
65	1194	78	5,02
60	702	36	5,12
55	1350	65	4,82
50	3250	199	6,12
30	4220	121	3,1


1 - жадвалдан кўриниб турибдики, алмаштирилган оралик қурилмаларининг турли сабаблар ва ёшига қарамасдан ўзаро фоиз нисбати бир - бирига яқин. Кўп ҳолларда оралик қурилмалар юк кўтариш қобилиятининг

камайишига ёки алмаштирилишига бетонда ёриқларнинг пайдо бўлиши, арматура коррозияси ва химоя қатламининг кўчиши сабаб бўлган.

Темир йўл кўприклари темирбетон оралик қурилмаларининг юк кўтариш қобилиятига таъсир қилувчи плита консолини ўта юкланиш натижасида бузилиши, бетон ва арматура коррозиясини инобатга олган ҳолда салқиликларни таъсирини баҳолаш, темир йўл кўприклари темирбетон оралик қурилмалари ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятини олдиндан аниқлаш тадбирлари бўйича Республикадаги мутахассисларга нисбатан чет эл мутахассисларининг олиб борган тадқиқотлар натижалари кўпроқ.

Диссертациянинг «**Темирбетон кўприкларни техник диагностика қилиш усулини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида кўприк конструкцияларини диагностика қилишнинг усуллари, техник диагностика қилишга тизимли ёндошуви ва ахборотларни умумлаштириш натижалари келтирилган.

Кўприк иншоотларини техник диагноз қилишдан мақсади, уларнинг техник ҳолатини фойдали диагностика қилиш жараёнини ташкил этишдир. Бу мақсадда техник диагностика тузилишини аниқловчи ҳар томонлама вазифалар ечимини топиш керак. Буни умумлаштириш орқали кўприк иншоотларининг техник диагностика тизимини умумий функционал – тизими шаклини акс эттириш мумкин.



1-расм. Кўприк иншоотларини техник диагностика қилиш тизими

Кўприк иншоотларига мос равишда олиб борилган тадқиқотлар доирасида ишончлилик тушунчаси асосан уч ҳосса билан чегараланган: бузилмаслик, чидамлилик, таъмирга яроқлилик.

Кўприк иншоотларининг конструктив элементларини техник диагностика қилиш учун функционал диагностика тизимини қўллаш мақсадга мувофиқ. Унинг ёрдамида иншоотларни тўғри ишлаб туриши ва уларнинг техник ҳолатини олдиндан баҳолаш вазифалари ечими таъминланган бўлади.

Эксплуатация қилинаётган темир йўл кўприклари оралиқ қурилмалари ва таянчлари техник ҳолатини баҳолаш, ҳамда уларнинг асосий параметрлари ўзгариб боришини доимо назорат қилиб бориш кўприкчилар олдидаги асосий вазифаларидан иборат.

Темир йўлларда эксплуатация қилинаётган темирбетон кўприклар умумий ҳолатини назорат қилишнинг амалиётда қўлланилаётган усуллари муаллиф томонидан қуйидагича такомиллаштирилди.

Эксплуатация қилинаётган оралиқ қурилма ва таянчларни йиллар давомида текшириш натижасида аниқланган барча нуқсон ва шикастланишлар тўрт даражага бўлиб ўрганилади ва ҳар бир даражага ўзига хос балли баҳолаш берилган:

0 тоифада – нуқсонлар мавжуд эмас ёки оралиқ қурилма ва таянчларнинг умумий техник ҳолатига мавжуд нуқсонлар таъсир қилмайди – аъло (5);

I тоифада – нуқсонлар хизмат шартларини ёмонлаштиради, юк кўтариш қобилиятига таъсир қилмайди, лекин хизмат муддатини камайтиради – яхши (4);

II тоифада – мавжуд нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш керак, акс ҳолда уларнинг кейинчалик ривожланиши поездлар ўтказиш қобилиятини чеклашга олиб келади - қониқарли (3);

III тоифада – ташқи юклардан оралиқ қурилмаларнинг юк кўтариш қобилияти кичик, нуқсон ва шикастланишлар поездлар хавфсиз ҳаракатланишига ҳавф солади – қониқарсиз (2).

Техник диагностика натижаси асосида нуқсонлар тоифаси ўрнатилади. Тадқиқотлар натижасидан келиб чиққан ҳолда эксплуатация қилинаётган оралиқ қурилма ва таянчлардаги барча нуқсонлар тизимлаштирилган ва ҳар бир нуқсон учун ўзига хос баҳолаш баллари белгиланган, маълумотлар 2 - жадвалда келтирилган.

2 - жадвал

Темирбетон оралиқ қурилмаларидаги нуқсонлар тавсифи

Нуқсонлар тоифаси	Нуқсонлар тавсифи	Ҳар бир нуқсонни балли баҳолаш
1	2	3
0	Нуқсонлар мавжуд эмас	0,02
	0,2 мм гача юзадаги киришиш ёриқлари	0,02
	0,5 см чуқурликгача катта бўлмаган ўйиб олинган бетон	0,02
	Оралиқ қурилмаси юзаларидаги бетоннинг ишқорланишлари	0,02

I	Сув қочириш қувурлари шикастланиши натижасида бетондаги арматуралар очилмаган ҳолдаги бўшлиқликлар ва синиқларнинг ишқорланиши	0,02
	Арматура коррозияси бошланиши натижасидан занг ва доғлар	0,02
	Чўкиш дарзларининг очилиши кўпи билан 0,2 мм	0,02
II	Консолнинг пиёдалар йўлаги қисмидаги ёриқлар	0,1
	Оралиқ қурилма балласт коритаси гидроизоляциясини бузилиши натижасида майда ёриқлар таъсирида цемент қоришмасининг ишқорланган доғлари	0,1
	Бўшлиқликлар, бетондаги синиқлар, ҳимоя қатламининг кўчиши	0,1
	Ишчи арматура очилиши натижасида (20% гача) коррозияланиши	0,1
	Ишчи арматура биттасининг узилиши	0,1
	Консолдаги қоришманинг ишқорланиши натижасида кўндаланг ва бўйлама ёриқлар	0,1
	Консол шарнири қисмидаги шарнирни ифлосланиш доғлари, цемент қоришмасининг ишқорланиши натижасида бетоннинг бузилиши	0,1
	Олдиндан зўриқтирилган оралиқ қурилмаларидаги кўндаланг ёриқларнинг кўпи билан 0,2 мм очилиши	0,1
	Юкланиш натижасида ҳолатини ўзгартирмайдиган кенгайиши кўпи билан 1 мм бўлган ёриқлар	0,1
	Оралиқ қурилмаси консол бортидаги бетоннинг бузилиши	0,1
	Деформацион чокларнинг етарли кенгликда эмаслиги	0,1
	Балласт коритаси бортини 20 см дан ортиқ оширилиши	0,1
Габарит дарвозаларнинг носозлиги ёки йўқлиги	0,1	
III	Ҳимоя қатламининг бузилиши натижасида (юзаси 20% дан ортиқ) очилган арматуралар занглаши	2,0
	Ишчи арматуранинг биттасидан ортиғининг узилиши	2,0
	Кўтарма консолларнинг оғиши, консол асосидаги ёриқлар	2,0
	Юкланиш натижасида кенгайиши ўзгарувчи ёриқлар	2,0
	Олдиндан зўриқтирилган оралиқ қурилмаларидаги мавжуд 0,2 мм дан ортиқ ёриқлар	2,0
	Юк синфидан оралиқ қурилмасининг синфи пастлиги	2,0
	Асосий тўсинни плита қатнов қисмидан ажратувчи очиқ ёриқлар	2,0

Темирбетон оралиқ қурилмаси ва таянчларининг ҳар бири учун алоҳида техник диагностика ва ўрнатилган балли баҳолаш умумий миқдори яқунлари « \leq » бўйича қуйидаги шартлари қабул қилинади:

$B = 0$ - аъло (5);

$0,02 \leq B \leq 0,1$ бўлганда – яхши (4);

$0,1 \leq B \leq 2,0$ бўлганда – қониқарли (3);

$2,0 \leq B$ бўлганда – қониқарсиз (2).

Муаллиф таклиф этаётган усул эксплуатация жараёнида кўприк конструкцияларидаги ҳосил бўладиган бузилиш ва шикастланишларни баргараф этиш ва уларни олдини олиш мақсадида диагностика қилишнинг усулини танлаш ва техник диагностика тизимини яратиш, иншоотларнинг техник ҳолатини яхшиланишига ва умрбоқийлигини узайтиришга хизмат қилади. Олинган натижалар, темир йўл кўприклари оралиқ қурилмалари ва

таянчларининг қайта ҳисоблаш ва юк кўтариш қобилиятини олдиндан баҳолаш бўйича бошланғич асос бўлиб хизмат қилади.

Темир йўл кўприклари оралик қурилмалари ва таянчларида охириги йилларда бетон мустаҳкамлигининг йўқолиши, арматураларни коррозияга учраши ва плита консолининг эгилиши тез – тез учраб турибди. Буни инобатга олган ҳолда, ҳозирги кундаги замонавий асбоб ускуналардан фойдаланиб, эксплуатация қилинаётган кўприк конструкцияларини диагностика қилиш усули такомиллаштирилди.

Диссертациянинг «**Техник диагностика натижалари бўйича кўприклар оралик қурилмалари ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятини материаллар таҳлили асосида ҳисоблаш усуллари**» деб номланган учинчи бобида бетон ва арматура ҳақиқий ҳолати бўйича маълумотлар таҳлилининг асосий қоидалари, чегаравий ҳолат бўйича таклиф этилаётган усулни асосий ҳолати, плита балласт коритаси юк кўтариш қобилиятини олдиндан аниқлаш, асосий тўсиннинг юк кўтариш қобилиятини олдиндан айтиб бериш, асосий тўсин ва плита эгилиши бўйича оралик қурилмасининг юк кўтариш қобилиятини олдиндан аниқлаш блок схемаси ва ҳисоблаш схемалари келтирилган.

Комплекс тажрибаларни ўтказишдан асосий мақсад, турли турдаги бузмасдан аниқлаш тажрибаларини бир – бирига таққослаш орқали бетон мустаҳкамлигининг катталиги аниқлигини оширишдир. Жиззах темирбетон буюмлари заводи лабораториясида 100X100X100 ўлчамдаги 56 та куб намуналар тайёрланган. Намуналарни 1000 кН гидравлик прессда синашдан олдин склерометр Шмидт ва ультратовуш асбоблари ёрдамида бетон мустаҳкамлиги ўлчанган ва олинган натижалар асосида “мустаҳкамлик – эгрилик тавсифи” боғлиқлиги яратилган.

$$R_h = a_0 - a_1 H \quad (1)$$

бу ерда, R_h – бетон мустаҳкамлиги, МПа, H – эгрилик тавсифи.

a_1 ва a_0 қийматлари қуйидаги боғлиқликлар орқали аниқланади.

$$a_0 = \bar{R}_\phi - a_1 \bar{H} = 37,6 \quad (2)$$

$$a_1 = \frac{\sum_{i=1}^N (H_i - \bar{H})(R_{i\phi} - \bar{R}_\phi)}{\sum_{i=1}^N (H_i - \bar{H})^2} = 3,2 \quad (3)$$

бу ерда, $R_{i\phi}$ ва H_i – бетон мустаҳкамлиги ва эгрилик тавсифи; N – намуналар сони.

Темирбетон оралик қурилмалари сув қочириш қувурларининг носозлиги сабабли, унга яқин жойлардаги бетон мустаҳкамлигининг пасайиши, автомобиль йўлларидаги кўприкларга нисбатан темир йўл кўприкларида камроқ учрайди. Бетон мустаҳкамлигининг ўхшаш фарқи тўсин пастки белбоғида 7% ни ташкил этади.


Эксплуатация жараёнида темир йўл кўприклари оралик қурилмаси бетони мустаҳкамлигининг пасайиши мумкин бўлган қисмлари 2 - расмда кўрсатилган.

Бетон химоя қатлами очиб кўрилганда арматура коррозияси натижасида арматурадаги коррозия даражаси аниқланади.



2 - расм. Оралиқ қурилмаси юк кўтариш қобилиятига таъсир этиб бетон мустаҳкамлигининг пасайиши мумкин бўлган қисмлари

Вақт давомида темирбетон оралиқ қурилмалари бетон мустаҳкамлигининг пасайиш графиги 3 – расмда кўрсатилган.



3 - расм. Эксплуатация жараёнида оралиқ қурилмаси бетони мустаҳкамлигининг пасайиши

3 – расмдан кўришиб турибдики, оралиқ қурилма бетон мустаҳкамлиги ўзгариши деярли билинмайди. Плита бетон мустаҳкамлигининг камайиши сезиларли даражада. Бетон коррозияси сабабли мустаҳкамлик камайиши 1,5 мартага етади. Автомобил йўллари кўприклариди бу 2 баробарга тенг.

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда амалий ҳисоблашлар учун бетон мустаҳкамлигининг пасайишини қуйидаги ишлаб чиқилган боғлиқлик асосида ёзилиши тавсия этилади.

$$\text{коррозиядан шикастланган бетон учун} \quad -\frac{R_b(t)}{R_b} = 0,01t \quad (4)$$

$$\text{коррозиядан шикастланмаган бетон учун} \quad -\frac{R_b(t)}{R_b} = 0,015t - 0,1 \quad (5)$$

Турли йилларда турли сабабларга кўра эксплуатациядан олиб ташланган оралик қурилмаларининг балласт корита плитаси арматура кесим юзасининг ўзгариш натижалари 3 - жадвалга киритилган.


3 – жадвал

Плита ташқи консолидаги арматура коррозияси ўлчами натижалари

№/п	Оралик қурилмаси эксплуатация тумани	Эксплуатацияга топширилган, йил	Эксплуатациядан олинган, йил	Эксплуатация ёши, йил	Арматура диаметри, мм		Оралик қурилмасини эксплуатациядан олиниш сабаблари
					лойиха бўйича	ҳақиқатда	
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Жиззах - Самарқанд	1976	2009	33	12	8	Таянч қисмининг носозлиги, тўсинлар эгиклиги
2	Тошкент - Ҳаваст	1960	1995	35	12	10	Ногабарит юк таъсиридан механик зарблар

Тажриба маълумотларига муаллиф томонидан плита ташқи консоли сув қочириш қувурлари яқинидаги максимал коррозияга учраган арматура коррозиясининг ўлчами натижалари асос қилиб киритилган.

Оралик қурилмаси юк кўтариш қобилиятини ҳисоблашда ва арматура коррозияси жараёнининг назарий таҳлилини қўллашда 3 - жадвал асосида 4 - расмдаги график қурилган.



4 - расм. Эксплуатация жараёнида коррозияга учраган арматура кесим юзаси майдонининг ўзгариши

Графикдан кўришиб турибдики, автомобиль йўллари кўприклари оралик қурилмаси арматура кесим юзасининг пасайишида, арматура коррозияси жараёнининг чуқурлашиш тезлиги темир йўл кўприклари оралик қурилмаси арматурасига нисбатан анча тез.

Эксплуатация жараёнидаги арматура кесим юзасини ўзгаришига боғлиқлигини қаноатлантирадиган формула қуйидагича ёзилади.

$$\frac{A_{exp}}{A_n} = a_0 - a_1 t, \quad (6)$$

$$a_0 = \bar{A}_{exp} - a_1 \bar{t}. \quad (7)$$

$$a_1 = \frac{\sum_{i=1}^N (A_{exp} - A_{iexp})(\bar{t} - t_i)}{\sum_{i=1}^N (\bar{t} - t_i)} \quad (8)$$

Ҳисоб натижалари асосида қуйидаги боғлиқликни оламиз.

$$\frac{A_{exp}}{A_n} = 0,015t - 0,1 \quad (9)$$

бу ерда, t – оралиқ қурилмасининг эксплуатация бошланишидан коррозиядан шикастлангунгача бўлган вақт.

5 - расмда темирбетон кўприкларнинг оралиқ қурилмаларини чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш жараёнлари ва ҳисоблашларда таклиф этилаётган усулларни такомиллаштириш блок тизими келтирилган.

Рухсат этилган вақтинчалик юкларни ҳисоблаш икки усулда амалга оширилади:


- оралиқ қурилмаларни қолип ва арматура чизмалари бўйича ҳисоблаш;
- меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳаланган оралиқ қурилмаларни ҳозирда амалдаги меъёрий ҳужжатларга таққослаш орқали амалга ошириш.

Темирбетон оралиқ қурилмаларининг юк кўтариш қобилиятини аниқлаш учун ҳисобий кесим юзаси қуйидагилардан иборат;


- бош тўсинлар учун - ўрта оралиқ кесими, кесимлар ва конструкция геометрик ўлчамларининг жадал ўзгарувчан жойларида, нуқсонлар мавжуд жойлар;
- балласт коритаси плитаси учун – плита ўрта оралиқларида ва таъмирланган жойлардаги кесимларда.



5 - расм. Темирбетон кўприклар оралиқ қурилмасини қайта ҳисоблаш блок схемаси



6 - расм. Плита ташқи консוליға таъсир қилувчи ҳисобий кучлар схемаси



7 - расм. Плита ташқи консолининг ҳисобий схемаси

Темир йўл кўприklarининг эксплуатацияси жараёнида, кўприк қатнов қисми сатҳидаги балласт қатлами ва балласт борти призмасининг баландлиги баъзи ҳолларда икки баробар ортиб кетиши кузатилган.

6 - 7 - расмлардан кўриниб турибдики, амалиётда плита ҳисоби уч ҳолатда бажарилиши мумкин: **а)** плита бетони фақат чўзилиш чегарасида коррозияга учраганда, **б)** бетон коррозияси сиқилиш чегарасига ўтганда ва **в)** плита бетони бутун баландлиги бўйлаб бетон коррозияга учраганда.

а ҳолат учун чегаравий эғувчи момент ҳисоби.

Бетон таркибидаги ҳисобий арматура коррозияга учраганда арматура кесим юзаси майдонининг пасайиши (5) боғлиқлик асосида аниқланади.

$$M_{cr} = R_S A_S (0,015t - 0,1)(h_0 - 0,5x) \quad (10)$$

бу ерда, t – эксплуатация бошидан техник диагностика моментиғача бўлган вақт.

б ҳолатда. Бетон коррозиясини ҳисобга олган ҳолда коррозия мавжуд бўлмаган ҳолат учун чегаравий эғувчи момент қуйидаги формула бўйича аниқланади.

Сиқилиш зонасидаги арматурани ҳисобга олмаганда

$$M_{cr} = \alpha_S R_S A_S \left(h_0 - \frac{\alpha_S}{2\alpha_b} x \right); \quad (11)$$

$$\text{бу ерда, } \alpha_S = 0,015t - 0,1; \quad (12)$$

$$\alpha_b = 0,01t \quad (13)$$

в ҳолатда. Плита бутун юзаси бўйлаб бетон ва арматурада коррозия мавжуд.

Чегаравий эғувчи момент сиқилиш зонасида арматурани ҳисобга олмаганда

$$M_{cr} = \frac{\alpha_s}{\alpha_b} R_s A_s \left(h_0 - \frac{\alpha_s R_s A_s}{2 \alpha_b R_b b} \right); \quad (14)$$

Техник диагностика t вақтида мустаҳкамлик бўйича рухсат этилган вақтинчалик юклар.

$$k_{1M} = a(M_{cr} - M_p); \quad (15)$$

$$a = \frac{2 \ell_0}{\eta_M \gamma_v b (\Delta - Z)^2}; \quad (16)$$

бу ерда, ℓ_0 – оралик қурилмаси кўндаланг ўқига вақтинчалик юкдан ҳосил бўлган босимнинг тақсимланиш узунлиги; η_M – плитадаги ночизикли босим таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент; b - плитанинг ҳисобий кенглиги, м; Δ – ташқи консолга вақтинчалик юкларни тақсимланиш узунлиги; M_p – доимий юкдан ҳосил бўлган ҳисобий эғувчи момент.

Эғувчи момент бўйича мустаҳкамликка ҳисобланганда плита синфи келиб чиқади.

$$K = \frac{k_{1M}}{k_n(1+\mu)}; \quad (17)$$

бу ерда, k_n – Н1 схемаси бўйича эталон юкланиш; $(1 + \mu)$ – динамик коэффициент.

Кўприк конструкцияларини ҳисоблаганда грунтнинг тик тебранишини ҳосил қилувчи сейсмик юкларни эътиборга олмасликка рухсат этилади.

Грунтнинг горизонтал тебранишини ҳосил қилувчи кўприк ўқи бўйича бўйлама ва кўндаланг йўналган сейсмик юкларни алоҳида ҳисобланишини эътиборга олиш керак. Кўприк конструкцияларини сейсмик юкларга ҳисоблашда, кўприк қисмлари инерция кучи асосида тебраниши вужудга келган кўриниши ва ҳаракатланаётган таркиб(состав) ҳамда грунт ва сувга сейсмик босимнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак. Кўприкларни яхлит ёки унинг алоҳида элементларини инерция кучини аниқлаш учун тизимни мустақил тебранишларини динамик ҳисобий схемаси тузилишидан фойдаланилади.

Муаллиф томонидан (Руководство по определению грузоподъемности железобетонных пролетных строений железнодорожных мостов) қўлланма асосида кўприк конструкцияларини мустаҳкамлик бўйича рухсат этилган вақтинчалик юклар аниқлаш тенгламаларидан фойдаланган ҳолда, ўрта ораликлар кесими учун сейсмик юкларни ҳисобга олиб мустаҳкамлик бўйича рухсат этилган вақтинчалик юкларни аниқлаш тенгламаси таклиф этилган.

$$k_c = \frac{M - M_p + M_s}{n_k \varepsilon_M \Omega}; \quad (18)$$

(Руководство по определению грузоподъемности железобетонных пролетных строений железнодорожных мостов / МПС. М.: Транспорт, 1989) қўлланмада бундай ҳисоблаш жараёни мвжуд эмас

Сейсмик юкларни ҳисобга олган ҳолдаги оралик қурилмаларининг ҳақиқий синфи:

$$K = \frac{k_c}{k_n(1+\mu)}; \quad (19)$$

Оралиқ марказида доимий ва сейсмик юклардан ҳосил бўладиган ҳисобий эгувчи момент қуйидагича аниқланади:

$$M_p + M_s = (P + P_b)\Omega + \eta_{18} S \frac{l_p}{4} + v\eta_7 \Omega \quad (20)$$

Вақтинча харакатланишдаги ва доимий юкланишлардан ҳосил бўладиган жами юқори эгувчи моментлар қуйидаги формула билан аниқланади.

$$M = R_b b_x (h_0 - 0.5x) + R_b (b_f - b) h_f (h_0 - 0.5h_f) + R_{sc} A'_s (h_0 - a'_s) \quad (21)$$

Агар $x < h_f$, бўлса, $b = b_f$ бўлади.

бу ерда, M – чегаравий эгувчи момент, M_p – доимий юкдан ҳосил бўлувчи момент, M_s – сейсмик юклар таъсиридан ҳосил бўлувчи момент, P , P_b – оралиқ қурилмаси ва балласт қатламидан тушадиган доимий юк, S - ҳисобий сейсмик юк, v - харакатланувчи таркибнинг эквивалент юки, $\eta_7 = 0,7$ - вақтинча юкларни бир вақтда ҳисобга олувчи коэффицент, $\Omega = \frac{l_p}{8}$ ўрта оралиқ кесимлари учун эгувчи моментнинг таъсир чизиғи доираси, $n_k = 1,15$; $\eta_{18} = 0,8$ – сейсмик юкларни бир вақтда ҳисобга олувчи коэффицент, ε_M - тўсин таянчига таъсир қилувчи юк улуши.


Диссертациянинг «**Темир йўл кўприклари эксплуатация жараёнини ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар**» деб номланган тўртинчи бобида кўприкларни эксплуатация қилиш бўлинмалари структурасини такомиллаштириш, эксплуатация қилинаётган кўприкларнинг техник ҳолати мониторинги бўйича компьютер дастурини такомиллаштириш ва компьютер дастури учун жамланган маълумотлар жамланмаси ва тайёрланиш усули тўғрисида маълумотлар тизими ва блок схемалари келтирилган.

Эксплуатация қилинаётган кўприкларни сақлаш ва меъёрларга ишончилигини бошқаришдаги мураккаблашган муаммоларни ҳал қилиш учун ўз навбатида кўп қиррали ташкилий ва конструктив тадбирларни амалга оширилиш талаб қилинади.

Бундай тадбирларни ишлаб чиқишда эксплуатация қилинаётган кўприк иншоотларини турли вақтларда ва турли меъерий ҳужжатлар асосида қурилганлигини, ҳамда турли техник ҳолатларда эканлигини ҳисобга олиш керак.

Кўприк иншоотларини таъмирлашнинг бундай кўринишдаги тизими алоҳида мобил тизимга эга саноат эксплуатациясининг индустриал марказлашган механизациялаштирилган баъзасини яратади. Бу эса кўприкларни таъмирлашнинг рентабеллигини ошириш имконини беради. Бундай корхоналарни ташкил этиш билан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ қошидаги Кўприкқурилиш станциялари ишлашини қайта қуриш керак.

Кўприкларни таъмирлашда бу бўлинмалар яратган алоқаларни мустаҳкамлаш зарур. Таклиф этилаётган этилаётган эксплуатация хизмати тизими 8 - расмда келтирилган.



8 - расм. Такдим этилаётган эксплуатация хизмати тизими

Рақамли карта – бу муайян форматда ёзилган, унинг сақланиши таъминланадиган, таҳрир қилиниши ва қайта тикланиши мумкин бўлган тематик ёки умумгеографик карталарни векторли кўринишидаги рақамли ифодасидир. Номланиши бўйича тузилган карталарни ГАТ технологияси асосида умумий кўринишини қуйидагича такдим қилиш мумкин.

Компьютер дастури маълумотлар базасини яратиш учун ПЧ – 8 бўлимига қарашли 3738 + 025 км Тошкент – Самарқанд – Бухоро оралиғидаги қувур иншоотларининг маълумотлари келтирилган.

Такмиллаштирилган компьютер дастурини бундай маълумотлар базаси билан тўлдиришдан мақсад, Республика темир йўлларидаги мавжуд иншоотларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш ва ундан келгусида иншоотлар эксплуатация кўрсаткичларининг автоматлаштирилган усулини яратишдан иборат.

“Рўйхат” ойнаси электрон жадвал форматида маълумотлар базасидан олинган маълумотларни ишнинг бошланғич маълумотлари сифатида қабул қилиш имконини беради (9 - расм). Такмиллаштирилган компьютер дастурининг алгоритми (10 – расм) да келтирилган.

Магнито Профиленг
 File Select Options Map Window Help
 Азия_11111... Азия_Дурун1 Map

Длина на 1738-425 км
 местонахождение линии Самарканд - Мирзалия
 Дистанция: ПЧ-8 Самаркандская

1. Характеристика района
 - сейсмичность в баллах 8
 - снеговой район 1
 $\alpha 0$ (кг/м²)= 50
 - ветровой район 1
 $\alpha 0$ (кг/м²)= 38
 - грунты

2. Характеристика трубы
 - наименование водоснабжения ороситель
 - материал 48.51 (условно)
 - диаметр трубы (включая оголовок), м 1
 - количество очёгов на входе, см 125
 - количество очёгов на выходе, см 125
 - высота трубы в свету, см 125
 - уклон, % 5.8
 - радиус кривой, м правая
 - пересечение максим под углом, ° (град.) 90
 - высота максим до подковы рельефа по профилю, м 2.65
 - над верховой трубой, м 1.25

вид оголовка: не установлено
 - количество звеньев опускурует
 - наличие армлений опускурует
 трубы опускует
 откосов максим опускует
 - количество путей над трубой опускует
 - расстояние между осами путей (до оси следующего пути): 8


3 (станц.) и колдце, м	2.66
3 (станц.) и П (бет.), м	6.27
П (бет.) и П (бетч.), м	5.4
1 (бетч.) и 4 (станц.), м	5.54
4 (станц.) и 5 (станц.), м	5.26
5 (станц.) и 6 (станц.), м	5.09
6 (станц.) и 7 (станц.), м	4.46
7 (станц.) и 8 (станц.), м	5.58
8 (станц.) и отвра, м	3.23
над построенной трубой	1888 г. (по данным)

15C2B844 Map
 15C2B848 Map
 10C2B852 Map

Zoom: 3.300 ft
 Editing: None
 Selecting: None

913
 13.12.2018

9 - расм.Такмиллаштирилган компьютер дастурининг ойнаси



10 - расм.Такмиллаштирилган компьютер дастурининг алгоритми

ХУЛОСА

«Темир йўлларда эксплуатация қилинаётган темирбетон кўприклар юк кўтариш қобилиятини техник диагностика асосида аниқлаш усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Такимиллаштирилган усул асосида темирбетон оралик қурилмаси ва таянчларининг ҳар бири учун алоҳида техник диагностика ва ўрнатилган балли баҳолаш умумий миқдори яқунлари « \leq » бўйича аъло (5), яхши (4), қониқарли (3), қониқарсиз (2) шартлари қабул қилинади. Олинган натижалар темир йўл кўприклари оралик қурилмалари ва таянчларини техник ҳолатини аниқлаш, қайта ҳисоблаш ва юк кўтариш қобилиятини олдиндан баҳолаш бўйича бошланғич асос бўлиб хизмат қилади.

2. Кўприк оралик қурилма ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятларини аниқлаш ифодаси такомиллаштирилди. Эксплуатация қилинаётган кўприк оралик қурилмалари ва таянчларининг ҳақиқий мустаҳкамлигини аниқлаш учун даражаловчи бетон $R_{b(t)} / R_b = 0,01t$ ва арматура $A_n / A_{exp} = 0,015t - 0,1$ боғлиқликлари аниқланди. Тавсия этилган боғлиқлик кўприк оралик қурилмаси ва таянчлари юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаш учун бетон ва арматура мустаҳкамлигини ишончли аниқлаш имкониятини беради.

3. Техник диагностика натижалари бўйича кўприк оралик қурилма ва таянчларининг юк кўтариш қобилиятини сейсмик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда синфини аниқлашнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилди. Оралик қурилма ва таянчларнинг юк кўтариш қобилиятини аниқлаш усулидаги рухсат этилган вақтинчалик юклар k нинг миқдорини аниқлашда, бу юклар миқдорини сейсмик таъсирларни ҳисобга олган ҳолдаги аниқловчи ифодаси тақлиф k_c қилинди.

4. Эксплуатация қилинаётган темир йўл кўприклари техник ҳолати мониторинги бўйича компьютер дастури такомиллаштирилди. Такимиллаштирилган компьютер дастуридан амалиётда фойдаланиш ҳар бир иншоотнинг рақамли картаси ва маълумотлар базаси, ҳамда темир йўллардаги барча сунъий иншоотларнинг ҳолати ва жойлашиши бўйича электрон паспортини яратиш имкониятини беради. Бу ўз навбатида эксплуатация жараёнини тўғри ташкил этиш имкониятини яратади.

5. Жиззах – Булунғур йўналиши оралиғидаги тўртта кўприкда тақлиф қилинган кўрсатмалар асосида капитал реконструкция ишлари режалаштирилганда иқтисодий самарадорлик 475 млн. сўм бўлиши аниқ мисолда кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО
ПРОЕКТИРОВАНИЮ, СТРОИТЕЛЬСТВУ И ЭКСПЛУАТАЦИИ
АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ПО ПРОЕКТИРОВАНИЮ,
СТРОИТЕЛЬСТВУ И ЭКСПЛУАТАЦИИ АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГ**

ЭРБОЕВ ШАВКАТ ОЧИЛТОШЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ
ГРУЗОПОДЪЕМНОСТИ ЭКСПЛУАТИРУЕМЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫХ МОСТОВ НА ОСНОВЕ ТЕХНИЧЕСКОЙ
ДИАГНОСТИКИ**

**05.09.02 –Основания, фундаменты и подземные сооружения. Мосты и транспортные
тоннели. Дороги, метрополитены**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №№ В2020.2.PhD/T827.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tayi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Ишанходжаев Абдурахман Асимович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хасанов Аскар Забиевич доктор технических наук, профессор Байбулатов Хайрулла Абсадилович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский архитектурно - строительный институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc. 18/30.12.2019.T.09.01 при Ташкентском институте по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог. (Адрес: 100060, г.Ташкент, проспект А.Темура, 20. Тел./факс: (99871) 232-14-39, e-mail: tadi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100060, г.Ташкент, проспект А.Темура, 20.Тел.: (99871) 232-14-45.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «___» _____ 2020 года).

А.А. Рискулов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Р.А. Абдурахманов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, PhD

И.С.Содиков
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В результате расширения в мире магистральных дорог, увеличения объемов перевозки пассажиров и грузов, при развитии инфраструктуры больших городов различные транспортные сооружения, в частности строительство и эксплуатация мостов приобретает особое значение. Основной причиной разрушения железобетонных мостовых конструкций является нарушение правил эксплуатации таких сооружений. Поэтому при определении сроков службы железобетонных конструкций в зарубежных странах сфере технической диагностики уделяется особое внимание.

